

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИДА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК: ҲУҚУҚИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР, ВАКОЛАТЛАР КОНФИГУРАЦИЯСИ ВА КООРДИНАЦИЯ АРХИТЕКТУРАСИ

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси.

Мақолада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари, ваколатлар тақсимоти ва мувофиқлаштириш модели комплекс таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий “инструментлари” (ваколатларни белгилаш, регламентлар, тартиб-таомиллар, маълумот алмашинуви қоидалари), уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишлаши ҳамда самарадорликка таъсири ёритилади. Шунингдек, амалиётда учрайдиган тизимли муаммолар — функциялар такрорланиши, қарор қабул қилишдаги тарқоқлик, ягона стандарт ва кўрсаткичлар (KPI)нинг етишмаслиги, мониторинг-аудитнинг институционаллашмаганлиги, ахборот интеграциясидаги чекловлар илмий-амалий жиҳатдан баҳоланади. Муаллиф мувофиқлаштиришни “ягона бошқарув контури” асосида ташкил этиш, ваколат-масъулият чегараларини аниқлаш, идоралараро маълумотлар алмашинувини стандартлаштириш, рискка асосланган бошқарув ва очиқ ҳисобдорлик механизмларини жорий этиш йўналишларини асослайди. Мақола натижалари йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида бошқарув сифатини ошириш ҳамда қонунчилик ва амалиётни уйғунлаштириш учун қўлланилиши мумкин.

Калит сўзлар: йўл ҳаракати хавфсизлиги, идоралараро ҳамкорлик, ҳуқуқий механизмлар, ваколатлар тақсимоти, мувофиқлаштириш модели, регламент, маълумот алмашинуви, мониторинг, KPI, ҳисобдорлик.

В статье комплексно анализируются правовые механизмы межведомственного взаимодействия, распределение полномочий и модель координации в обеспечении безопасности дорожного движения. Рассматриваются нормативно-правовые инструменты кооперации (закрепление компетенций, регламенты, процедуры, правила обмена данными), их функционирование в правоприменительной практике и влияние на результативность управления. Выявляются системные проблемы: дублирование функций, фрагментарность принятия решений, дефицит единых стандартов и

KPI, недостаточная институционализация мониторинга и аудита, ограничения информационной интеграции. Обосновываются направления совершенствования, ориентированные на формирование «единого контура управления», четкое разграничение полномочий и ответственности, стандартизацию межведомственного обмена данными, внедрение риск-ориентированного управления и механизмов прозрачной подотчетности. Результаты могут быть использованы при совершенствовании законодательства и повышении эффективности координации в сфере БДД.

Ключевые слова: безопасность дорожного движения, межведомственное взаимодействие, правовые механизмы, распределение полномочий, модель координации, регламенты, обмен данными, мониторинг, KPI, подотчетность.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш амалиётида натижага эришиш кўп жиҳатдан турли идоралар ўртасидаги мувофиқлашган ҳаракатларга боғлиқ. Чунки назорат ва ҳуқуқни қўллаш, йўл-инфратузилмани бошқариш, транспорт воситалари хавфсизлиги, таълим-тарғибот, рақамли мониторинг ва тезкор тиббий ёрдам каби йўналишлар бир занжирда ишлагандагина барқарор самара таъминланади. Шу сабаб идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари, ваколатлар таксимоти ва мувофиқлаштириш моделини аниқ белгилаш ҳамда амалиётда уни ишлайдиган бошқарув архитектурасига айлантириш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-ҳуқуқий жараён бўлиб, у нафақат ички ишлар органлари, балки маҳаллий ҳокимиятлар, транспорт ва йўл хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари каби турли идора ва ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни талаб этади. Бугунги кунда республикамизда транспорт воситалари сонининг ортиши, йўл инфратузилмасининг ривожланиши ва жамиятнинг мобиллашуви фонида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг муваффақияти айнан идоралараро ҳамкорликка боғлиқ бўлиб бормоқда.

Йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, хавфсиз муҳитни таъминлашда ҳар бир манфаатдор давлат органи ўз ўрнини аниқ ва мувофиқлашган ҳолда бажариши лозим. Шу муносабат билан идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, уларни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, янги Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш

ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон Қарорининг “д”-бандида *“айрим ҳудудларининг криминоген вазият оғир маҳаллаларида ташкилий-иштар тузилмаси асосида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда бештагача маҳаллани микроҳудудларга бирлаштирган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тезкор ҳаракатланиш тизимини жорий этиш”¹* топшириғи бўйича маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида йўл ҳаракати хавфсизлиги ва патруль-пост хизматлари инспекторларини профилактика (катта, кичик) инспекторлари, хотин-қизлар масалалари бўйича, пробацция, ҳамда тезкор-қидирув хизмати ҳамда қўриқлаш бўлинмаларининг нарядлари билан доимий равишда ҳамкорликда хизмат олиб бориш масаласига алоҳида урғу берилганини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, *бугунги кунда янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган?* деган ўринли савол юзага келади. Бизнингча, бугунги кунда мамлакатда айнан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари сифатида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин:

Асосий миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга:

1. “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонуни² (1999 йил, 10 декабрь). Ушбу қонун йўл ҳаракати иштирокчилари – пиёдалар, ҳайдовчилар, йўл соҳаси ташкилотлари ва назорат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Қонуннинг 4-моддасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат органларининг асосий вазифаларидан бири экани кўрсатилган. Қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси, ИИБ, Транспорт вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа идоралар ўз ваколатлари доирасида йўл ҳаракати хавфсизлигига масъул ҳисобланади. Шунингдек, муҳим жиҳати шундаки, қонун йўл ҳаракати соҳасида идоралараро мувофиқликни белгилагани билан, амалдаги механизмлар етарлича аниқ эмас. Шу боис, уни такомиллаштириш бугунги кун талабидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz/uz/docs/7330260>

² Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz/acts/24741>

2. “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”³. Ушбу дастур Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган бўлиб, ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади. Дастурда:

- йўл инфратузилмасини такомиллаштириш;
- ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини яхшилаш;
- электрон назорат ва фото-видео қайд этиш тизимларини жорий этиш;
- давлат идоралари ўртасида ахборот алмашиш тизимини ташкил қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, ҳужжатнинг ахамияти шундаки, бу дастур идоралараро ҳамкорликни амалий босқичга кўчирадиган муҳим ҳаракат режасидир.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган *Жамоат хавфсизлиги концепцияси*⁴ бўлиб, унда идоралараро ҳамкорлик тамойиллари белгилаб берилган. Шунингдек, мазкур концепцияда йўл ҳаракати хавфсизлиги жамоат хавфсизлигининг бир қисми сифатида белгиланиб, куйидаги асосий тамойиллар илгари сурилади:

- давлат органлари ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш;
- ҳар бир идоранинг ҳисобдорлиги ва самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш;
- жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтириш;
- ахборот технологиялари асосида ягона назорат тизимини яратишдир.

Шунингдек, идоралараро ҳамкорлик мазкур фармонда стратегик вазифа сифатида белгиланган.

Асосий халқаро ҳужжатларга:

*БМТнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича 2020–2030 йилларга мўлжалланган ўн йиллик ҳаракат дастуридир*⁵. Ушбу дастур БМТ Бош Ассамблеясининг 74-сессиясида қабул қилинган. Унинг мақсади — йўл-

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасини илмий-методик таъминлаш, йўлларда эксплуатация-монтаж фаолиятини тартибга солиш ҳамда «Хавфсиз йўл» индексини юритиш амалиётини жорий этиш тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/ru/docs/6136750>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/5749291>

⁵ Resolution adopted by the General Assembly on 31 August 2020 // <https://docs.un.org/en/A/RES/74/299>

транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлиш ва жароҳатланиш ҳолатларини 50%га қисқартириш. Мазкур ҳужжатнинг асосий йўналишларига:

- ҳар бир давлатда интеграл хавфсизлик стратегиясини шакллантириш;
- давлат идоралари ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини жалб қилиш;
- маълумотлар базаси ва статистика тизимини такомиллаштириш.

Дания, Финляндия, Германияда қабул қилинган Vision Zero (ҳеч қандай ўлим – мақсад сифатида) концепциялари⁶;

Vision Zero – бу давлат сиёсатида йўлдаги ўлимни мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат сифатида қабул қилишдир. Концепция 1997 йилда Швецияда қабул қилинган, кейинчалик кўплаб Европа мамлакатлари томонидан жорий этилган. Тамойилларига:

- йўл тизими инсон хатолари ва оғирликларини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак;
- барча идоралар масъулиятни бўлишади;
- ҳукумат, маҳаллий ҳокимият, полиция, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт операторлари – барчаси ҳамкорликда ҳаракат қилади.

WHO (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) ва UNESCAP (Осиё ва Тинч океани учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссия) тавсиялари:

WHO 2023 йилда “Global Plan for Road Safety” дастурини ишлаб чиқди, унда давлатларга идоралараро мувофиқлаштирилган ҳаракатлар тавсия этилди;

UNESCAP йўл ҳаракати хавфсизлигини трансчегаравий масала сифатида баҳолаб, транспорт сиёсатларида регионал мувофиқликни таъминлашга чақирмоқда.

Юқорида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорлик муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини илмий жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидаги ҳуқуқий бўшлиқларни кузатиш мумкин. Буларга:

биринчидан, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказий орган белгиланмаган;

иккинчидан, худудий даражадаги идоралараро ҳамкорлик механизмлари мавжуд эмас;

⁶ https://ru.wikipedia.org/wiki/Vision_Zero

учинчидан, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастур” ҳуқуқий мажбурият юкламайди, фақат идоралараро келишув даражасида қолмоқда. Шунингдек, уни амалга ошириш бўйича ҳисобот бериш ва назорат механизми йўқ;

тўртинчидан, **Жамоат хавфсизлиги концепцияси декларатив⁷ хусусиятга эга**, ундан келиб чиқадиган вазифалар қонунчиликда мустақамланмаган. Шунингдек, ҳар бир идоранинг вазифалари ва ҳисобдорлик чегараси ҳуқуқий мажбурият шаклида белгиланмаган;

бешинчидан, Ўзбекистонда “Vision Zero” концепциясини миллий қонунчилик мазмунига интеграция қилинмаган.

Мазкур маҳаллий ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунининг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда Янги Ўзбекистон шароитида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида идоралараро ҳамкорликни янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш билан бирга, соҳага оид илмий-амалий изланишлар таҳлил қилинмоғи мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, маҳаллий олимлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда давлат бошқаруви органлари ўртасидаги ўзаро мувофиқлашув ва функционал ҳамкорликнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, М.С. Ҳамидов⁸, Ш.Қ. Солеҳов⁹ ва К.М.Рахимов¹⁰ каби мутахассислар ўз асарларида соҳага оид норматив-ҳуқуқий базанинг таҳлили ва идоралараро ҳамкорликнинг институционал механизмларини ёритиб беришган.

⁷Декларатив ҳужжат – бу давлат сиёсатининг асосий мақсадлари, устувор йўналишлари ва тамойилларини белгилаб беради. Шунингдек, келгуси қонунлар, қарорлар ва дастурлар учун йўналиш кўрсатади. Бундан ташқари, мақсад, тамойил ва умумий вазифалар акс эттирилади. Лекин ижро этувчи органларга мажбурият юкламайди. Бу эса ижро тартиби, муддат, маблағ манбалари, жавобгарлик чоралари аниқ белгиланмаган бўлади.

⁸ Ҳамидов М.С. "Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг ўрни", – монография, Тошкент – 2021 йил.

⁹ Солеҳов Ш.Қ. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги: ҳуқуқий ва амалий масалалари”, – Тошкент – 2020 йил.

¹⁰ Рахимов К.М. “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари” // юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши / Т.: 2022 й.

Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликнинг самарали механизмини яратиш мақсадида халқаро илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, транспорт соҳасида хавфсизликни таъминлаш фақатгина йўл полицияси ёки транспорт вазирлиги эмас, балки соғлиқни сақлаш, таълим, шаҳарсозлик, маҳаллий бошқарув ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги мувозанатли ва функционал ҳамкорликка боғлиқдир.

Хусусан, Россиялик ҳуқуқшунос олим П.В.Молчанов¹¹ ўзининг *“Административно-правовое обеспечение безопасности дорожного движения в Российской Федерации”* номли асарида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари ва бошқа давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий-ташқилий асосларини таҳлил қилиб, Россия Федерациясида ҳуқуқий мувофиқлашув ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг зарурлигини илмий асослайди. А.Н. Михайлов¹² эса ўзининг *“Правовые и организационные основы взаимодействия органов внутренних дел с органами исполнительной власти в области обеспечения безопасности дорожного движения”* номли илмий тезисида айнан мамлакатда идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш механизмлари, ҳуқуқий ваколатлар тақсимоли ва институционал мувофиқлашувни таҳлил этади. С.В. Бородин¹³ эса ўзининг *“Межведомственное взаимодействие в сфере обеспечения безопасности дорожного движения”* номли илмий асарида соҳалар кесимидаги ҳамкорликнинг юридик механизмлари, норматив-ҳуқуқий базаси ва ҳуқуқий ваколатлар мувозанатини таҳлил қилган бўлса, А.А.Мартынов¹⁴ ҳам ўзининг *«Повышение эффективности межведомственного взаимодействия при обеспечении безопасности дорожного движения»* номли асарида идоралараро

¹¹ Молчанов П.В. «Административно-правовое обеспечение безопасности дорожного движения в Российской Федерации». Монография // <https://uz.ozon.com/product/administrativno-pravovoe-obespechenie-bezопасnosti-dorozhnogo-dvizheniya-v-rossiyskoy-1656229508/>

¹² Михайлов А.Н. «Правовые и организационные основы взаимодействия органов внутренних дел с органами исполнительной власти в области обеспечения безопасности дорожного движения» // <https://www.dissercat.com>.

¹³ Бородин С.В. Межведомственное взаимодействие в сфере обеспечения безопасности дорожного движения // Административное и муниципальное право, 2018, № 7. / elibrary.ru

¹⁴ Мартынов А. А. Повышение эффективности межведомственного взаимодействия при обеспечении безопасности дорожного движения // Право и безопасность, 2020, № 3. / <https://elibrary.ru/item.asp?id=44165152>

ҳамкорлик самарадорлигини оширишда ахборот алмашинуви, электрон тизимлар ва норматив интеграциянинг ўрнини ёритади.

Ҳиндистонлик таниқли олим David Mohan¹⁵ ўзининг “*Road Safety in Low-Income and Middle-Income Countries*” номли тадқиқотида камбағал ва ўрта даромадли мамлакатларда транспорт хавфсизлигини таъминлаш учун давлат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик моделлари, бошқарув структуралари ва меъёрий-ҳуқуқий ечимларни таҳлил қилган. Унинг фикрича, самарали йўл ҳаракати сиёсати учун маҳаллий шароитга мослашган, институтлараро мувофиқлашувни назарда тутувчи норматив базаларнинг мавжудлиги зарур ҳисобланади.

Норвегиялик олим Rune Elvik¹⁶ эса ўзининг “*The Handbook of Road Safety Measures*” номли фундаментал илмий асарида хавфсизлик чора-тадбирларини илмий асосда баҳолаш, давлат сиёсатини мувофиқлаштириш ва идоралараро мулоқотни самарали ташкил этишнинг статистик усулларига эътибор қаратади. Унинг таҳлилларида хавфсизлик сиёсатини ривожлантиришда турли соҳалар ўртасидаги маълумот алмашинуви ва интеграцияланган ёндашув муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Австралиялик тадқиқотчи Barry Watson¹⁷ эса “*Inter-agency collaboration in road safety: A case study from Queensland*” номли илмий ишида Квинсленд штати мисолида ҳукумат ва маҳаллий идоралар ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини чуқур таҳлил қилади. У ўз ишида қонунчилик асослари, ташкилий тузилмалар ва амалий ечимларнинг муваффақиятли жорий этилишидаги аҳамиятни ёритиб берган.

Шунингдек, Ҳиндистондаги йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларини тадқиқ қилган Dinesh Mohan ва Geetam Tiwari¹⁸ ўзларининг “*Road Safety and Injury Prevention in India*” номли тадқиқотларида идоралараро мувофиқлашувнинг амалдаги аҳамияти, инфратузилма ривожини ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг ролини илмий жиҳатдан асослаб берганлар.

¹⁵ Mohan, D. (2002). *Road safety in less-motorized environments: Future concerns*. International Journal of Epidemiology, 31(3), 527–532. <https://doi.org/10.1093/ije/31.3.527>

¹⁶ Elvik, R., Høyе, A., Vaa, T., & Sørensen, M. (2009). *The Handbook of Road Safety Measures* (2nd ed.). Emerald Group Publishing. // ISBN: 9781848552500 / <https://books.emeraldinsight.com/page/detail/The-Handbook-of-Road-Safety-Measures/?k=9781848552500>

¹⁷ Watson, B. (2004). *Inter-agency collaboration in road safety: A case study from Queensland*. Journal of the Australasian College of Road Safety, 15(3), 31–36.

¹⁸ Mohan, D. & Tiwari, G. (2000). *Road safety and injury prevention in India*. Transportation Research and Injury Prevention Programme (TRIPP), Indian Institute of Technology Delhi. <http://tripp.iitd.ac.in>

Улар ушбу соҳада фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кучайтириш, маҳаллий шароитларга мос профилактик чоралар ва таълим механизмларини жорий этиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, халқаро тажриба йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир илмий ва амалий ёндашувларни шакллантиришда муҳим назарий манба сифатида хизмат қилмоқда. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (*WHO*), Европа Иттифоқи Комиссияси (*EU Commission*), Халқаро транспорт форуми (*ITF*)¹⁹ ва БМТ ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигига оид ишчи гуруҳлар ушбу масалага доир бир қатор тавсиявий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиққанлар.

Айниқса, WHO томонидан 2004 йилда тайёрланган ва Margaret Peden бошчилигидаги мутахассислар томонидан нашр этилган “*World Report on Road Traffic Injury Prevention*”²⁰ номли фундаментал тадқиқотда кўп соҳали ёндашув (*multisectoral approach*) йўл-транспорт ҳодисаларини камайитиришда энг самарали стратегик йўл экани алоҳида таъкидланган. Ҳисоботда транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, полиция ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича аниқ тавсиялар берилган. Ҳисоботда ҳар бир мамлакатнинг миллий даражада ишлаб чиқадиган хавфсизлик сиёсатларига мослаштирилган чора-тадбирлар системаси орқали самарали натижаларга эришиш мумкинлиги илмий асосланган ҳолда кўрсатилган.

Европа Иттифоқи ҳам ўзининг “*EU Road Safety Policy Framework 2021–2030: Next steps towards Vision Zero*” номли дастурида “*Vision Zero*” (*ўлимсиз ҳаракат тизими*) тамойили асосида идоралараро мувофиқлашувни муваффақият калити сифатида белгилайди. Унда давлатлар ўртасида ва ичида транспорт, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таълим соҳаларидаги органлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш тавсия этилади.

Шунингдек, OECD ҳузуридаги Халқаро транспорт форуми (*ITF*) томонидан 2016 йилда тайёрланган “*Zero Road Deaths and Serious Injuries*:

¹⁹ **International Transport Forum (ITF). (2016). Zero Road Deaths and Serious Injuries: Leading a Paradigm Shift to a Safe System.** OECD Publishing //https://www.itf-oecd.org/zero-road-deaths

²⁰ Peden, M., Scurfield, R., Sleet, D., Mohan, D., Hyder, A., Jarawan, E., & Mathers, C. (2004). World report on road traffic injury prevention. World Health Organization. <https://www.who.int/publications/i/item/world-report-on-road-traffic-injury-prevention>

*Leading a Paradigm Shift to a Safe System*²¹ номли ҳисоботда давлат сиёсатчилари учун йўл ҳаракати хавфсизлигида идоралараро ёндашувнинг тузилмавий ва стратегик афзалликлари кўрсатилган. Ҳисоботда таъкидланишича, ҳар бир сектор — ҳуқуқни муҳофаза қилиш, йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш ва оммавий ахборот воситалари — хавфсизликни таъминлашда тенг ҳуқуқли ва тенг жавобгар субъектлар сифатида қаралиши лозим.

Ушбу манбалардан аниқ кўриниб турибдики, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда институционал ҳамкорлик, стратегик мувофиқлашув ва самарали бошқарув халқаро миқёсда эътироф этилган энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Улар нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам давлат сиёсатини шакллантиришда илмий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан қаралганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий адабиётларга таяниш орқали идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш масаласини янада мукаммал ва илмий асосланган ҳолда ривожлантириш имкони пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик ва тизимли ёндашувини шакллантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги ёритилган илмий назарий қарашлар мазмунидан келиб чиқиб, янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги муаммолар юзасидан илмий асосланган таклифларни миллий қонунчиликка жорий этиш таклиф этилади. Буларга:

биринчи муаммо! бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалда бўлган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида давлат органларининг вазифалари умумий мазмунда қисқа қилиб белгиланган аммо, аманиқ механизм ҳамда ҳудудий мувофиқлашув кўзда тутилмаган:

биринчи муаммо юзасидан таклиф, янги Ўзбекистонда амалда бўлган “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги Қонунни институционал ҳамкорликка мос равишда қайта кўриб чиқиб, Қонунга “Идоралараро ҳамкорлик ва мувофиқлашув” деб номланган алоҳида боб киритиш. Шунингдек, мазкур бобда ҳар бир манфаатдор органнинг (ИИБ, Транспорт вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар, Соғлиқни сақлаш, Таълим муассасалари) аниқ ҳуқуқий вазифа ва жавобгарлиги кенг мазмунда белгиланиши керак;

²¹ European Commission. (2020). EU Road Safety Policy Framework 2021–2030: Next steps towards “Vision Zero”. https://ec.europa.eu/transport/road_safety

иккинчи муаммо! бугунги кунда янги Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигининг бир қисми бўлган йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолиятини ўзида қамраб олган “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинмаган.

иккинчи муаммо юзасидан таклиф, “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилиш шунингдек, маҳалла, туман ва шаҳар даражасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун идоралараро оператив гуруҳлар фаолиятини ҳуқуқий асосга эга қилиш;

учинчи муаммо! бугунги кунда янги Ўзбекистонда Фуқаролар ва ҳайдовчилар ўртасида ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги.

учинчи муаммо юзасидан таклиф, янги Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишни ҳуқуқий вазифа сифатида белгилаш. Хусусан:

➤ *ҳар бир давлат идораси учун аҳоли ўртасида тарғибот ва таълим фаолияти юритиш мажбуриятини қонун билан белгилаш;*

➤ *ОАВда ижтимоий реклама ва профилактика контентини жорий этиш мажбурий вазифа сифатида қонунчиликда белгилаш;*

➤ *мактаб ва ОТМларда “Йўл ҳаракати маданияти ва ҳуқуқий билимлар” фанини интеграция қилиш.*

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари атрофлича ёритилган. Унда мазкур жараён фақат *ички ишлар органлари эмас, балки транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, маҳаллий ҳокимият ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мувофиқлашган фаолият орқали амалга ошириш таъкидланган.* Мавжуд қонунлар, хусусан “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун ва Президент фармонлари, концепция ҳамда халқаро дастурлар (ВМТ, WHO, Vision Zero) асосида идоралараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори белгиланган бўлса-да, амалиётда механизмларнинг аниқлиги, ҳисобдорлик, профилактика ва маълумот алмашиш масалаларида ҳуқуқий камчиликлар ҳамон мавжуд десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Параграф якунида ушбу ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги илмий асосланган таклифлар билдирилган. Буларга:

➤ “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунда идоралараро мувофиқлашув ва ҳамкорликни алоҳида модда сифатида мустаҳкамлаш;

➤ “Жамоат хавфсизлиги тўғрисида”ги янги қонун қабул қилиш ва маҳаллий даражада ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини ҳуқуқий асослаш;

➤ аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишни қонунан мажбурий вазифа сифатида белгилаш.

Ушбу таклифлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини стратегик ва тизимли асосда ривожлантириш учун муҳим ҳуқуқий ислоҳотлар йўналишини белгилаб беради.